



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА РАҚАМЛИ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жумаев Нодир Хосиятович,
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Қонунчилик палатаси депутати, и.ф.д., профессор*

Рақамли технологиялар бугун тадбиркорлик соҳасига ҳам жадал кириб келди. Тадбиркорликни рақамлаштириш жараёнида ахборот технологиялари, катта маълумотлар ва сунъий интеллектни қўллаш орқали транспарентликни ошириш муҳим аҳамиятга эга. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги яна бир муҳим жиҳат – бу ишбилармонлик муҳитини соддалаштириш ҳамда одамлар ва бизнеснинг давлат билан мулоқотига сарфланажак харажатларни максимал қисқартиришdir.

Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётнинг улушкини оширишда рақамли тадбиркорлик муҳитини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, банк-молия секторида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгайтирилмоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик ошиб бормоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида тадбиркорликни ривожлантиришга туртки берувчи молиявий ресурсларни тўлиқ рақамлашган ҳолда ажратиш бўйича комплекс ишлар олиб бориляпти. Хабарингиз бор, 2021 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга асосан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитларни тўлиқ рақамлаштирилган ягона электрон платформа орқали шаффоф, ортиқча ҳужжатларсиз, соддалаштирилган ва масофавий тарзда олиш имконияти яратилди.

Ушбу янги тизим туфайли аҳоли тадбиркорлик учун кредит оламан деб ҳокимиятга, банкка ёки бошқа идорага бориб юрмаяпти, асбоб-ускуналарни қаердан оламан деб бош қотиргани йўқ. Эндиликда эса платформанинг автоматлаштирилган скоринг тизими аризачининг кредитга лаёқатлилиги ва ундан кейин ҳоким ёрдамчилари жойларга чиқиб, ташаббускорнинг фаолият тури бўйича шарт-шароитлари, имконияти, кўникмасининг мавжудлигини ўрганиш орқали сараланмоқда. Бунинг натижасида дастлабки мониторингда 50-60 фоиз атрофидаги аризалар доирасида маблағ ўзлаштириш бўйича нопок хатти-ҳаракатлар ёки самарасиз ишлатиш ҳолатларининг олди олинмоқда.



Жорий йил аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан кредит олишга келиб тушган жами 925 мингдан ортиқ 32,9 трлн. сўм миқдоридаги аризалардан 4,3 трлн. сўмлик 92 мингтаси скоринг таҳлил қилиш натижасида автоматик тарзда рад этилган, 11,5 трлн. сўмлик 300 мингдан кўпроқ кредит сўровлари ариза эгалари томонидан бекор қилинган.

Бу ўз навбатида ягона электрон платформа фаолияти ажратилаётган ресурс маблағларни самарали ҳамда мақсадли йўналтирилишида муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, маҳсулот ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатишда марказлашган таъминот тизимидан воз кечиб, электрон савдо майдони орқали уларни харид қилишда эркин танлов ва рақобат муҳитини ўз ичига олган “Маркетплейс” эркин савдо майдони (“smart-market.uz”) ишга туширилди.

Электрон савдо майдонида барча маҳсулот етказиб берувчи корхоналар томонидан маҳсулот, асбоб-ускуна ва хизматларни сотиш бўйича таклифлар эркин жойлаштирилади.

Ушбу савдо майдонида рўйхатдан ўтган ҳолда маҳсулот ва хизматларни таклиф этаётган тадбиркорлик субъектлари сони 15 мингдан ортиқни, улар томонидан иссиқхона қуриш, боғдорчилик, чорвачилик, қуёнчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа йўналишларда жойлаштирилган таклифлар сони қарийб 140 мингтани ташкил этмоқда.

Шунингдек, платформада ҳужжатларни (олди-сотди шартномасини тузиш, маҳсулот қабул қилиш далолатномасини имзолаш, кредит маблағини сотувчига ўтказишга топшириқ бериш) электрон тарзда расмийлаштируммоқда.

Бугунги кунга келиб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг 47 мингдан зиёд лойиҳаларига 16 триллион сўмдан ортиқ миқдорда молиявий ёрдам кўрсатилди.

Хусусан, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида 2022 йил 1 август ҳолатига 13 мингдан ортиқ лойиҳаларга 10 триллион сўмга яқин кафиллик ҳамда 34 мингдан ортиқ лойиҳаларга 6 триллион сўм миқдорда компенсация хизматлар кўрсатилди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик муҳитини ва тадбиркорларнинг рақамли кўникмаларини яхшилаш, рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорлик сиёсатини ривожлантириш учун институционал салоҳиятни кучайтириш, тўсиқларни камайтириш, рақамли бизнес



лойиҳалари ва стартаплари учун яхши молиялаштириш имкониятларини яратиш муҳим ҳисобланади. Бу ўз навбатида рақамли аср салоҳиятидан фойдаланган ҳолда бандликни таъминлаш, иқтисодиётда вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилиш учун имкониятлар яратишга ёрдам беради.

Умуман олганда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш рақамли тадбиркорлик кўникмаларини, воситалар ва қулай муҳит орқали рақобатбардошликни, инқирозларга чидамлиликни оширади. Камбағалликни қисқартириш, инклюзив, инновацион ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш каби умумий мақсадга хизмат қиласди.